O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY VETO PALATASI INV №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
14 MAY
SESHANBA
№ 59 (26.918)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

«ГАЛЛА — 2002»

МАВСУМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК ЗАРУР

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига бағишланган сим орқали кенгаш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, туманлар ҳокимлари ҳамда мутасадди вазирлик, қўмита, корпорация, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, ҳудудий қишлоқ хўжалиги тайёрлов корхоналари, хўжаликлар раислари ва фермерлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган ушбу кенгашда мамлакатимизда жорий йилда етиштирилган бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб олишга тайёргарлик ишлари ўтган йилга нисбатан анча фаол адо этилгани таъкидланди. Эндиги асосий вазифа деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган донни ўз вақтида, нест-нобуд қилмасдан саранжомлаб олиш, ғалла мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, уруғлик жамғариш бўйича шартномавий мажбуриятларни бажаришдан иборатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг ғалла ўрим-йиғимини муваффақиятли ташкил этиш мақсадида жорий йил 23 апрелда қабул қилган махсус қарорига мувофиқ, мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш билан боғлиқ масалаларни тезда ҳал этиш юзасидан, бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Кенгашда бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С. Бегалиев, «Ўзагромашсервис» уюшмаси раиси Ш. Нишонов, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси раиси И.Нажмиддинов, ички ишлар вазири ўринбосари Б. Парпиев ахборот берди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, туманларда етиштирилган ҳосилни тез ва соз ўриб-йиғиб олиш борасидаги ишларни пухта ташкил этиш, ўрим комбайнларидан юқори унум билан фойдаланишни таъминлаш ишларини қониқарли, деб бўлмайди.

Жойлардан олинаётган маълумотлар бу борадаги ўтган йилги айрим хато ва камчиликлар такрорланаётганидан далолат бермоқда. Масалан, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси тизимидаги корхоналарнинг дон қабул қилиш пунктлари, элеваторлар, тошу тарозилар, қуритиш майдончалари тўлиқ таъмирланган. Ўрим агрегатлари ўтган йилга нисбатан барвақт мавсумга шай ҳолатга келтирилган. Бироқ «Ўзагромашсервис» уюшмасининг ҳисоботларида жойлардаги машина-трактор паркларида техник соз, деб кўрсатилган комбайнлар давлат техник назорати органлари томонидан текширилганида уларнинг 22 фоизида носозликлар борлиги аниқланди.

Кенгашда бу борадаги барча хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, Вазирлар Маҳкамасининг номи зикр этилган қарори оғишмай бажарилишини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, кенгашда ғўза парваришини агротехника қоидалари асосида сифатли ташкил этиш, жойларда зараркунанда ҳашарот ва турли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, пиллачиликда сифатли маҳсулот тайёрлаш масалалари ҳам атрофлича муҳокама этилди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларининг бу борадаги ҳисоботлари тингланди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Н. Юсупов, В. Отаев, М.Усмонов иштирок этди.

■ (ЎзА)

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ



Зомин тумани марказида ажойиб бир кошона бор. Тўғриси, бундан ўн йилча илгари бу ерда шундай муҳташам бино қад ростлаши ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаганди. Туман марказидаги маиший хизмат ва қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида бугун оддий пахтакору ғаллакор, чорвадору соҳибкорларнинг 393 нафар фарзанди касб-ҳунар ўрганаяпти. Уларга саккиз йўналиш бўйича 45 нафар ўқитувчи таълим бераяпти. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари, танлаган касб-ҳунар сирларини эгаллаб, ҳунарли бўлишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Замонавий жиҳозланган фан кабинетлари, ўқув куроллари, техник воситалар ўқувчилар ихтиёрида.

✧✧✧

Суратларда: коллеж ўқувчилари; бўлажак тикувчи Мавжуда Эргашева.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ПРЕЗИДЕНТ МАЪМУРИЯТИ ХИЗМАТЧИСИГА ҲУЖУМ

Россия Президенти маъмуриятининг биринчи тоифали мутахассисига қароқчилик ҳужуми уюштирилган. Мамлакат ички ишлар вазирлиги бош бошқармасидан хабар беришларича, босқинчилик натижасида жабр кўрган 40 ёшли бу аёл Марказий клиник шифохонага тезда етказилган. Аниқланишича, унинг «бош мияси чайқалган ва бурун суяги синган».

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари берган маълумотларга кўра, аёлга тажовуз Хабаровск кўчасида кечаси номаълум шахс томонидан уюштирилган ва аёлнинг пули ҳамда бошқа ҳужжатлари олиб кетилган. Тезкор қидирув ишлари олиб борилмоқда.

АҚШНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎМАГИ

АҚШ Конгрессининг вакиллар палатаси терроризмга қарши курашда Исроил ҳукуматига ёрдам бериш тўғрисидаги ҳужжатни тасдиқлади. Палата кўпчилик овоз билан Исроилга бу йил 200 миллион, Фаластинга 50 миллион доллар ажратилишини маъқуллади.

Конгресснинг қуйи палатаси томонидан қабул қилинган ҳужжатлар лойиҳаси бу ҳафта АҚШ сенатига чиқарилади.

РЕЖА ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Франциянинг яқинда тайинланган транспорт вазири Парижнинг учинчи аэропорти қурилиши режасини қайта кўриб чиқмоқчи. Сабаб — биринчи жаҳон уруши даврида кўплаб француз ва бошқа хорижий аскарлар дафн этилган Парждан 125 километр шарқдаги Шёльн яқинидаги жойга аэропорт қурилиши хавф солаётганидир. Аҳолининг кўпчилиги, шу жумладан, тарихчилар, уруш фахрийлари, урушда ҳалок бўлган аскарларнинг авлодлари, шунингдек, бир хориж ҳукумати ҳам қурилиш лойиҳасига норозилик билдирмоқда.

Австралия бош вазири Жон Говард урушда ҳалок бўлган ва Париж яқинида дафн этилган минглаб, шу жумладан, аэропорт қурилиши мўлжалланаётган майдондаги 61 қабрда ётган австралиялик марҳумларга «ҳурмат билан қараш»ни Франция ҳукуматидан талаб этди.

— Биз режани қайта кўриб чиқамиз. Агар қурилиш ўша ердаги қабристонларга раҳна солмаса ишни давом эттирамиз. Акс ҳолда эса бошқа бир мақбул йўлини қидириб топишга мажбур бўламиз, — деди Франция вазири.

МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ АЙТИШИЧА...

Грузия мудофаа вазири Давид Тевзадзе Вашингтондан Тбилисига қайтиб келгач, журналистларга шуни маълум қилдики, Американинг навбатдаги ҳарбий инструктор (йўриқчи)лари гуруҳи 20 майда Грузияга келади. Икки томонлама келишувга кўра, Грузия қуролли кучларини замонавий ҳарбий технология билан таъминлаш ва мутахассис-зобитлар тайёрлаш учун 64 миллион доллар ажратилган. Грузия ҳарбийларининг ҳарбий тайёргарлик ишларида нафақат американлик, балки бошқа давлат ҳарбий мутахассислари ҳам иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

ВАШИНГТОНДА САМАРҚАНД ДУРДОНАСИ

26 июндан 7 июлгача АҚШ пойтахти Вашингтонда Буюк ипак йўлига бағишланган фольклор фестивали бўлиб ўтади. Унда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан келган уч юздан ортиқ санъаткор, халқ амалий санъати намояндалари, ҳунармандлар иштирок этади. Фестивалга ўзбекистонлик санъаткор ва ҳунармандлар ҳам таклиф этилган.

Мазкур фестивали ўтказиш ташаббуси машҳур виолончелчи Йо Йо Ма томонидан илгари сурилган. 1998 йили бу мусиқачи АҚШнинг энг йирик илмий масканларидан бири ҳисобланган Смитсониан институти раҳбариятига мурожаат этиб, мазкур институт томонидан ўтказиладиган йиллик фольклор фестивалларидан бирини Буюк ипак йўли мавзуига бағишлашни таклиф қилган. Мана, барча ташкилий ишлар ниҳоясига етгач, 2002 йил ёзида фестиваль, ниҳоят, тантанали равишда очиладиган бўлди.

Фестиваль кунлари иштирокчилар АҚШ Конгресси ҳамда Жорж Вашингтон ҳайкали ўртасидан жой олган улкан хиёбонда ўз маҳоратини намойиш этади. Шу ернинг ўзида Буюк ипак йўли бўйида жойлашган қадимий шаҳарларда қад ростлаган энг гўзал обидалардан бештасининг улкан макетини қуриш ҳам кўзда тутилган. Хусусан, улар орасида қадим Самарқанд ва унинг энг гўзал ва пурвиқор масканларидан бири, Шарқ маданиятининг ноёб дурдонаси саналмиш Регистон майдонига марказий ўрин берилади.

Узоқ Америка диёрида бўладиган фестивалда Ўзбекистонга катта эътибор берилаётгани, халқимизнинг қадим тарихи, маданияти, урф-одатлари Ғарбда жуда катта қизиқиш уйғотаётганидан яна бир далолатдир. Ўзбекистонлик санъаткорларнинг фестивалда иштирок этиши халқимиз маданиятини тарғиб қилиш ва дунёга янада кенгроқ ёйишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

■ (ЎзА)

МУРУВВАТ ЮКЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Инсонпарварлик юкларини олиб ўтиш бошланганидан бўён Термиз орқали Афғонистонга 173 минг тоннага яқин турли-туман юклар ўтказилди. Бу ҳақда «Туркистон-пресс» мухбирига Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан маълум қилишди.

Юкларнинг асосий қисми темир йўл орқали етказиб бериляпти. Шу кунга қадар 136 минг тонна юклар вагонларда ташиб келинди. Дарё баржаларида 19 минг тонна ва «СовавтоТермиз» автокорхонаси ҳайдовчилари 6,5 минг тонна юкни манзилга элтиб бердилар.

Ўтган ҳафтада хусусий фирмалардан Афғонистонга юборилган 9,7 минг тонна инсонпарварлик юклари Термизга етиб келди. Булар ўсимлик ёғи, ун, дон, ўтин, цемент ва бошқа қурилиш жиҳозларидир.

Нодавлат ташкилотлар, асосан АҚШдаги ташкилотлар томонидан афғон халқига кўплаб кийим-кечаклар юборилди. Тожикистон Қизил яримой жамиятидан 103 тонна қуруқ сут ва ўсимлик ёғи келиб тушди.

Эрон ва Ўзбекистон томонидан йиғилган ЮНИСЕФ йўналиши бўйича ўқув куроллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, вакциналар, идишлар, жами 326 тонна юк келтирилди.

■ «Туркистон-пресс»

БУНИ ҚАНДАЙ БАҲОНА ЁКИ САБАБ БИЛАН ОҚЛАБ БЎЛАДИ?

ЁКИ «ЎЗКИМЁСАНОАТ» ВА «ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ТАЛОН-ТОРОЖЛИКЛАР ҲАМДА СУИИСТЕЪМОЛЛИКЛАР ҲАҚИДА

Хоҳлаймизми-йўқми, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ривожини минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳукуматимиз қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун тармоқ ишини такомиллаштиришга ва корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тақсимотига жиддий эътибор бераётганлиги сабаби ҳам шунда.

Бироқ, зарур чоралар кўрилишига қарамай «Ўзкимёсаноат» ва «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компаниялари тизимида рўй бераётган нохуш ҳоллар кишини ташвишга солади. Ўтказилган текширишлар ўғит ишлаб чиқариш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнларида кўплаб қонунбузарликлар борлигини кўрсатди. Фактларга мурожаат қилайлик: республика ҳукумати қарорига кўра, 2001 йилда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш режаси 771,4 минг тонна қилиб белгиланган эди. Аммо ишлаб чиқариш топшириғи бажарилмади. Устига-устак, таъминотдаги узилишлар, талон-торожликлар сабаб бўлиб, деҳқонларимиз ҳам кутилган ҳосилни олишолмади. Ўтган йили Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятларини азотли ўғит билан таъминлаш даражаси 85 фоиз атрофида тўхтаган бўлса, Хоразмда бу кўрсаткич 63,6, Қорақалпоғистон Республикасида 47,9 фоизни ташкил этди. Худди шундай аҳволни фосфорли ўғит таъминотида ҳам кўриш мумкин. Хоразм, Сирдарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларининг фосфорли ўғитга бўлган талаби 63-65 фоиз, қорақалпоғистонликлар эҳтиёжи эса бор-йўғи 46 фоизда қолиб кетди.

Асосий сабаблардан бири — корхоналар ўз имкониятлари даражасида маҳсулот ишлаб чиқармадилар. Масалан, Чирчиқ «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида 43,05 минг тонна аммоний сульфат тайёрлаш миқдори белгиланган эди. Аслида эса корхона имкониятининг 36,5 фоиз ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарди, холос. Шунингдек, «Фарғонаазот» бирлашмаси ҳам карбамид тайёрлаш режасини 44 фоиз миқдоридагина бажарди. Кўп ҳолларда белгиланган топшириқларнинг ўлда-жўлда қолиб кетишига — корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларининг пастлиги бўлса, яна бир томони — технология билан таъминланиш даражаси ва маҳсулот сифатининг талабга жавоб бермаслигидир. Самарқанд кимё заводида ўтказилган текширишда 46,3 тонна аммофос ва 1200 тонна суперфосфат стандарт талаблари даражасида эмаслиги аниқланди. Ҳозир бу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган. «Қўқон суперфосфат заводи» айрим раҳбарларининг совуққонлиги оқибатида 2001 йилда оз эмас, кўп эмас — 443 тонна стандартсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Хўш, минерал ўғит ишлаб чиқариш корхоналарида иш ишкал экан, уларни бевосита сақлайдиган ва хўжаликларга тарқатадиган «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси тармоқларида аҳвол қандай?

(Давоми 3-бетда)

МУАММО, МУЛОҲАЗА

БАҚАТЕРАКНИНГ «УРУҒЧИ» ТУРИ КЕРАКМИ?

ШИФОКОРЛАРНИНГ АЙТИШИЧА, У ПОЛЛИНОЗ, БРОНХИТ, АЛЛЕРГИК РИНИТ (БУРУН ЯЛЛИҒЛАНИШИ) ВА ҲАТТО АСТМА ҲАМДА АЙРИМ ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ҚЎЗҒАШИ МУМКИН



Аждодларимиз теракни хосиятли билиб, теракзорлар барпо этганлар, ҳатто томорқа майдонларининг атрофларига гир айлантириб терак ўтқазганлар.

Ҳа, терак чиндан ҳам фойдали дарахт: «Бақатерак», «Мирзатерак», «Оқтерак», «Кўктерак», «Қоратерак»... Уларнинг турлари тарихи ҳам бир неча замонларга бориб тақалади. Халқ орасида «Оқ теракми, кўк терак?» иборасига ўхшаш улар тўғрисида қўшиқлар битилган, маталлар айтилган.

Қолаверса, бугунги кунда мамлакатимиз халқ хўжалиги ёғоч материалларига кўплаб эҳтиёж сезмоқда. Айниқса, қурилиш, мебелсозлик ва қоғоз саноати учун сув ва ҳаводек зарур терак турларини кўпайтиришга ҳукуматимиз ҳам, мутахассислар ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралдаги «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан кейин барча вилоятларда теракзорлар барпо қилиш ишлари авж олиб кетди.

Ўрмон хўжалиги мутахассисларининг таъкидлашларича, ёғочни қайта ишлашнинг замонавий технологияси 1 куб метр терак ёғочидан 280 килограмм целлюлоза ёки қоғоз олиш имкони бор экан. Теракнинг яна бир хусусияти — ўрмон иҳота дарахтзорларининг асосий ўсимлиги сифатида ҳам аҳамияти. Унинг тез ўсиши, бўйдорлиги, шох-шаббасининг манзаралилиги, шамолга бардошлилиги ўрмон иҳота минтақаларини барпо қилишда, мевали боғлар ва токзорларни кучли шамоллардан, бўронлардан муҳофаза этишда бошқа дарахт турларига нисбатан устунлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, терак ёғочидан тайёрланган буюмлар қийшайиб ёки ёрилиб кетмайди.

— Теракнинг фанда 140 дан зиёд тури мавжуд, — дейди Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори ўринбосари, биология фанлари номзоди Руслан Султонов. — Улардан нафақат саноатда, балки аҳоли кўп яшайдиган жойларни кўкаламзорлаштиришда, йўл ёқаларини манзаралаштиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Теракнинг ҳар хил заҳарли газларга чидамли бўлганлиги учун уни саноат ишлаб чиқариши ифлослантираётган масканларда кўплаб ўстириш ҳам тавсия этилади. Чунки, ҳаво таркибидаги чангларни тутиб қолиш хусусияти бор. Ёзда жазирама тафтини кесади ва ҳавонинг намлигини оширади. Бундан ташқари, фитоноцидлар деб аталувчи махсус модда ишлаб чиқаради. Бу модда ўз навбатида инсон саломатлиги учун зарарли бўлган микроорганизмларга қирон келтиради, ҳаводаги карбонат ангидрид газини ютиб, кислород ажратиб чиқаради. Карбонат ангидрид газини ўзлаштириш интенсивлигига кўра у бошқа тур дарахтлардан анча устун.

Айни пайтда терак турларининг баъзилари айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Баҳор фаслининг апрель ойи охирлари ҳамда май ойи давомида теракнинг — бақатерак деб номланувчи — уруғчи туридан ажралиб чиқаётган оппоқ қор заррачаларига ўхшаш «пух» (баъзан халқ тилида «пўпанак» ҳам дейишади) атроф-муҳитни ифлослантираётганлиги, аҳоли орасида ҳар хил аллергия қўзғатувчи микробларни келтириб чиқараётганлигидан кўплар нолишаётганини эшитганимизда, тўғриси, ажабландик.

(Давоми 3-бетда)

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси Мустақиллик халқимизнинг XX аср сўнггида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси эканини, унинг ҳаётимизда алоҳида босқич, янги бир давр бўлиб қолишини назарда тутиб, қутлуғ анъанага айланиб қолган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш мақсадида миллий қадриятларимизни, тинчлик ва осойишталикни, бунёдкор халқимиз яратувчилик фаолиятини мадҳ этувчи, Мустақилликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ижодий ғояларнинг ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида 2002 йил 1 майдан 15 июлга қадар қуйидаги йўналишлар бўйича республика очиқ танловини давом эттиради.

1. Мустақиллигимиз 11 йиллиги байрамининг бадиий-сиёсий ғоялари учун;

2. Пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун;

3. Байрам томошасининг энг яхши сценографияси (бадиий безаги) учун;

4. Энг яхши мусиқа асарлари учун;

5. Энг яхши замонавий эстрада қўшиқлари учун;

6. Вилоятларнинг энг мукаммал бадиий дастурлари учун;

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Тавсия қилинадиган бадиий дастурлар муаллифлари кўрсатилган йўналишлар бўйича якка тартибда ёки ижодий гуруҳ таркибида танловда қатнашишлари мумкин. Муаллифлар бадиий дастурларининг матнларида Мустақиллик байрамининг моҳиятини, миллий қадриятларимизни, тинчлик-осойишталик, тарихий-ижтимоий жараёндаги туб ўзгаришларни мадҳ этувчи саҳнавий кўринишларни байрамона, кўтаринки руҳда ифода этишлари, Мустақиллик туфайли республикада рўй бераётган ўзгаришларни, ислоҳотларни, янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда ифода этмоқлари ҳамда уларда пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Мустақиллик майдонини, Тошкент шаҳри майдонлари ва сайилгоҳларини ҳисобга олишлари шарт.

Бадиий дастурлар қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Байрам бадиий дастурлари бир ярим соатга мўлжалланиши ва компьютерда ёки машинкада 3 нусхада кўчирилган бўлиб, 30-40 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Голиблар ҳайъат аъзоларининг очиқ йиғилишида овоз берувчиларнинг учдан икки қисми ёқлаши орқали белгиланадилар.

Ҳайъат танлов эълон қилинган кундан эътиборан иш бошлайди. Ҳайъат котибияти белгилаган кунда йиғилиш ўтказиб, ғолибларни аниқлайди.

Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланадилар:

ИЖОДИЙ ГУРУҲЛАР УЧУН:

I мукофот — 300000 (уч юз минг) сўм
II мукофот — 200000 (икки юз минг) сўм
III мукофот — 100000 (юз минг) сўм

ЯККА ТАРТИБДА ИШТИРОК ЭТГАНЛАР УЧУН:

I мукофот — 100 000 (юз минг) сўм
II мукофот — 75 000 (етмиш беш минг) сўм
III мукофот — 50 000 (эллик минг) сўм

I мукофот соҳиблари пойтахтдаги асосий байрам томошасини саҳналаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:

Индекс 700129 Тошкент, Навоий кўчаси-30. Маданият ишлари вазирлиги, 1-қават, «Мустақиллик байрами танлови»га деб кўрсатилиши лозим. Тел: 144-63-73

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

«КОФРА» МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРГА ЧИҚДИ

Яқинда косиблар ва ҳунармандлар шаҳри — кўҳна Қўқонда «Кофра» Ўзбекистон — Франция қўшма пойабзал корхонаси ишга тушди. Ҳозир корхонада 26 турда маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Энг муҳими, уларнинг бозори чаққон. Корхона йилига 500 минг жуфт пойабзал тайёрлаш қувватига эга.

✧✧✧

Суратларда: 1. Қўшма корхона раҳбари Фамиль Гасанов ва франциялик технолог Васиф Кулиев. 2. Ишчи Сурайё Солиева.

■ Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

СОЛИҚЛАР ҚАЕРГА ТУШАДИ ВА У НИМА УЧУН ЗАРУР?

Газетамизнинг шу йил 11 апрель сонида иқтисодий мавзуда «Солиқ, бюджет ва турмуш» сарлавҳали мақола чоп этилиб, унда солиқнинг нималиги ва унинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти ҳақида гап борганди. Шундан сўнг кўплаб мухлисларимиз таҳририятимизга хатлар йўллаб ва қўнғироқлар қилиб «Солиқлар қаерга тушади, у нима учун керак?» — деган саволлар билан мурожаат қилишди.

Бугун биз ушбу саволларга жавоб беришни яна олдинги мақоламиз муаллифи — Тошкент Молия институти солиққа тортиш кафедраси мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи профессор Қосим ЯҲЁЕВдан сўрадик.

— Солиқ иқтисодий категория бўлиши билан бирга, тарихий категория ҳамдир. У инсоният пайдо бўлиб, давлатнинг шаклланиб бориши билан вужудга кела бошлаган. Дастлаб буюм (натура) шаклида юзага келиб, ривожланиш даврига кирганда пул шаклини олган. Аввалари солиқлар ҳар бир давлатнинг ўз миллий ва ҳудудий урф-одатларини ҳам акс эттирган, аммо ҳозирги сингари ураннчалик ихчам бўлмаган.

Тараққиёт босқичларида солиқлар ривожланиб, кўп мамлакатларда унинг тизими бир-бирига яқинлашиб (ўхшаброқ) борди. Масалан, ҳозир тахминан дунёнинг 80-90 фоиз мамлакатларида даромад, ер ва кўп мамлакатларда қиймат солиқлари ҳам бир-бирларига ўхшаб кетади.

Хўш, солиқлар қаерга тушади ва у кимга керак, нима учун зарур? — деган саволга келсак солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар давлатга керак! Шунинг учун ҳамки, солиқлар давлат бюджети (асосий пул жамғармаси)га ва бошқа махсус мақсадли жамғармаларга тушади. Давлат эса уларни мамлакатнинг муҳим ва ўта зарур мақсадларига қайта тақсимлайди.

— Солиқлардан бугунги кундаги мавжуд тартибларда фойдаланиш республикамизнинг ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларига нисбатан объектив зарурлиги нимада? (Абдумутал Норбоев, Навоий вилояти.)

1

— Солиқлар моҳиятини чуқур таҳлил қилсак, улар бозор муносабатларининг таркибий қисми, ажралмас элементидир. Бозор иқтисодиётини солиқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки улар — давлатнинг бозор иқтисодиётини бошқариш ва тартибга солиб туришдаги ишончли, мустаҳкам таянч.

Республикамизда ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат ўзининг асосий пул жамғармалари (бюджет)дан ва мақсадли пул жамғармалари (йўл, пенсия, бандлик жамғармалари ва бошқалар)дан фойдаланиб, бениҳоя катта, ўта заруратли тадбирларни амалга оширади. Шуни яхши билмоқ керакки, давлат бажарган ишларни бирор жисмоний шахс у ёқда турсин, ҳатто энг гигант юридик шахслар ҳам бажара олмайди. Нега?

Чунки бунинг учун жуда кўп, мураккаб моддий ва пул ресурслари талаб этилади. Масалан, катта-катта йўллар, кўприклар, метрополитенлар, лицейлар, коллежлар, олийгоҳлар (ва ҳоказолар) куриш ва уларни узлуксиз молиялаштириб туриш ҳазилакам иш-ми?!

Солиқ тизими иқтисодиётида «хизматларни сотиш», «эркин сотиш» деган иборалар бор. Бутун дунёда бўлгани сингари бизда ҳам давлат бажарадиган ишларни, яъни давлат хизматларини эркин сотиш имконияти йўқ. Давлатнинг бу хизматлари иқтисодиёт фани (тизими)да «ижтимоий товарлар», «ижтимоий хизматлар» деб юритилади. Хизматларни эркин сота олмасликнинг сабаби иккита: биринчидан, улар ғоят мураккаб, иккинчидан, харажатлар қиймати юқори. Шу боиски, бозор бундай хизматларни эркин сотиб олишдан (харид қилишдан) «бош тортади».

Нозик жойи шундаки, бу хизматларни ҳамма бирдек «истеъмол» қилади, чунки у ижтимоий. Аммо ҳамма истеъмолчи ҳам уларни истеъмол қилганлигини ўзи англай олмаслиги мумкин. Масалан, тадбиркор кечаси тинч ётиб, эрталаб ишига осойишта етиб боради ва ҳамма ишларини бажариб уйига вақтида қайтиб келади. Демак, давлат томонидан унга яратиб қўйилган шундай шароит бор. Яъни, давлат унга бундай тинчлик ва осойишталикни солиқлардан шакилланган пул жамғармалари ҳисобига ташкил қилиб берган. Ўйлаб кўринг: давлат ўзининг зарур вазифаларини бажариши учун (айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида) молиявий манбага эга бўлиши керакми? Керак. Бозор иқтисодиёти — эркин иқтисодиёт. Ҳамма нарса эркин сотилади, эркин харид қилинади...

— Солиқлар тарихий, иқтисодий категориядан ташқари бошқа (масалан, демократик, ҳуқуқий) категорияларга ҳам кириши мумкинми? (Соҳибжон Шодмонов, Тошкент шаҳри.)

— Мумкин. Бунинг учун давлат ўзининг ҳамма хизматлари харажатларини ҳисоблаб чиқиб, уларни қоплаш учун тегишли маблағларни бутун жамият аъзоларига тақсимлайди ва уни солиқ шаклида солиқ тўловчилардан ундириб олишга розилик беришни Олий Мажлисдан сўрайди. Олий Мажлис бу масалани Қонун, қонун лойиҳалари тарзида олдин муҳокама қилиб, кейин тасдиқлаб, солиқларни мажбурий тўловлар сифатида белгилаб беради. Айни мана шу ўринда солиқлар демократик тўловга айланади. Демак, солиқлар тарихий, иқтисодий категориядан ташқари демократик ҳуқуқий категорияларга ҳам киради.

2

— Солиқ тўловчилар солиқлар тизимида давлат амалга ошираётган чора-тадбирларини тўла, аниқ, тўғри тушунишлари ҳамда бадалларни вақтида тўлаб боришлари учун уларни нимага сарфланаётганлиги, нима учун зарурлигини яққол кўрсатувчи маълумотлар борми? (таҳририятдан.)

— Бор. Олдин, мана бу жадвал билан танишинг, изоҳини кейин бераман.

БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ (млн. сўм)

№		2001 й.	%	2002 й.	%
	Жами бюджет харажатлари шу жумладан,	1210345	100	1900542	100
1.	Социал-маданий тадбирлар	481900	40	765442	40,2
2.	Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш	102800	8,5	142450	7,5
3.	Иқтисодий харажатлар	105375	8,7	165142	8,6
4.	Марказлашган инвестиция	216200	16,2	273000	14,3
5.	Давлат идоралари, бошқармалари ва суд идоралари харажатлари	22000	1,8	38604	2,3
6.	Маҳаллий бошқарув органлари	6431	0,5	10303	0,5
7.	Вазирлар Маҳкамасининг резерв фонди	15000	1,2	21000	1,1
8.	Бошқа резервлар, харажатлар	280281	23,1	484601	25,5
	Жами махсус фондлар харажатлари	395242	—	630229	—
	Бюджет дефицити	57517,9	—	122115,3	—

Кўриб турибсиз, давлат бюджетидан бўлаётган харажатлар ўсиб бормоқда ва уларнинг аксарият қисми социал-маданий тадбирлар ҳамда марказлашган сармоя (инвестиция)га, шунингдек, резервларга йўналтириляпти. Шу ерда яна шуни айтиш лозимки, ҳамма солиқлар бюджетга келиб тушган тақдирда ҳам давлатнинг кўпқиррали ва ижтимоий-зарурий тадбирларини молиялаштиришга мавжуд маблағлар етмайди. Айни шу бюджет даромадларининг (солиқлар) харажатига етмаган қисмини (дефицит) давлат қисқа муддатли облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда Марказий банкнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисобига қоплашни мўлжаллаган. Демак, хулоса қиладиган бўлсак, солиқ тўловчиларга — ўртача тўлаган солиқларига нисбатан давлат жамғармаларидан қилинадиган харажат йил сайин кўп бўлиши режалаштирилади.

Хуллас, бозор иқтисодиёти шароитида тўланган ҳар қандай солиқ, шаксиз унинг тўловчиларига давлатнинг хилма-хил хизматлари орқали қайтиб келади ва бутун жамият аъзоларининг манфаатларига хизмат қилади.

3

ТАБИАТНИ АСРАШ, ЭЪЗОЗЛАШ ВА ЯШНАТИШ – БАРЧАНИНГ ИШИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси яқинда ўзининг Экологик дастурини қабул қилди. Ҳозир ушбу ҳужжатни маҳаллий партия ташкилотларида ўрганиш бошланди. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Собир ҚУРБОНОВга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Собир ака, Ўзбекистон ХДПнинг Дастурларида табиатни муҳофаза қилиш масалаларига ҳамиша эътибор қаратиб келинганига қарамай, яқинда партиянинг махсус Экологик дастури қабул қилинди. Сиз бунинг сабабини қандай изоҳлайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ХДПнинг 1991 йилда қабул қилинган Дастуридаёқ (IV боб) партиянинг мамлакатимиз ва минтақамиз экологияси муаммолари, жумладан Оролни қутқариш, Оролбўйи минтақасида яшаш шароитларини яхшилаш масалаларини ечиш юзасидан нуқтаи назари эълон этилган эди. Партиянинг1999 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Дастурида эса унинг ушбу масалага қарашлари ривожлантирилиб, янада аниқроқ тарзда баён этилди (II боб, 2-банд, III боб, 2-банд). Лекин, экология муаммолари ҳаддан ташқари мураккаблашиб, шунчалик долзарблик касб этмоқдаки, эндиликда, уларга чуқурроқ ва янада аниқроқ ёндашиш талаб қилинади. Эски ўлчамлар, ўтмишдан қолган андозаларни қўллаш яроқсиз бўлиб қолди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида Марказий Осиёдаги экологик фалокатнинг ғоят хавфли бўлаётганлигидан мамлакатимиз аҳолиси, минтақа халқлари, бутун жаҳон аҳлини огоҳлантирди. Бугина эмас, Юртбошимиз жаҳон жамоатчилигини ушбу хавфни бартараф этиш мақсадида ҳамкорлик қилишга даъват этди.

Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясида экология масалаларига доир махсус дастурни ишлаб чиқиш ҳақидаги ғоя пайдо бўлди. Марказий Кенгаш Котибиятининг 2000 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон ХДПнинг Экологик дастурини тайёрлаш тўғрисида»ги қарори билан мазкур ғояни рўёбга чиқариш ишлари бошлаб юборилди. Экология соҳасининг мутахассислари, олимлар, партия фаолларидан иборат Марказий Кенгаш махсус комиссияси ва унинг ишчи гуруҳи ҳужжатнинг дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқиб, қатор муҳокама ва мунозаралардан кейин, уни қиёмига етказишга ҳаракат қилдилар. Хусусан, ҳужжат лойиҳасининг умумпартия муҳокамасига қўйилганлиги яхши самара берди. Жойлардан, айниқса Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон ва қатор бошқа вилоят партия ташкилотларидан кўплаб жўяли ва аниқ таклифлар тушди. Энг сўнгги таклиф ва фикр-мулоҳазалар Экологик дастур лойиҳасини кўриб чиққан Марказий Кенгаш март (2002 йил) пленумида билдирилди. Пленум тушган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон ХДПнинг Экологик дастурини қабул қилди.

— Экологик дастурнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

— Дастурнинг мазмунини, нисбатан, икки қисмга бўлиш мумкин. Унинг биринчи қисмида, авваламбор, бутун Ер курраси, Марказий Осиё ва Ўзбекистондаги экологик вазият тавсифланади, минтақамиздаги носоғлом табиий аҳволнинг келиб чиқиши сабаб ва оқибатлари кўрсатилади. Мустақиллик йўлига чиқиб олган мамлакатимизда экологик масалалар давлат раҳбарияти томонидан теран идрок этилиб, ҳукуматимиз миқёсида шошилинч ва узоқ муддатли чора-тадбирлар кўрилаётганлиги, шунингдек, ушбу соҳада хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйила бошланаётганлиги хусусида фикр юритилади. Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуси билан Орол фожиасига жаҳон жамоатчилигининг диққати тобора кўпроқ тортилмоқда, унинг оқибатларини бартараф этиш ишига қўшни мамлакатлар, олисдаги давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг иштироки кенгаймоқда. Республика ҳукумати томонидан қабул қилинган қатор экология, мелиорация, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларга оид аниқ дастурлар қадам-бақадам амалга оширилмоқда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисига ҳар томонлама кўмак уюштирилмоқда. Мамлакатнинг бошқа ҳудудларидаги экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Лекин, Экологик дастурда таъкидланганидек, турли чора-тадбирлар кўрилаётганлигига қарамасдан, Марказий Осиёда ҳам, мамлакатимизда ҳам, айниқса Оролбўйи минтақасида экологик вазият ўнгланмоқда, деб бўлмайди. Кейинги йиллардаги қурғоқчилик оқибатида аҳвол янада оғирлашди. Шундай вазиятда томошабин бўлиб туриш, лоқайдлик ҳеч бир жиддий ташкилотга обрў келтирмайди. Шунинг учун партиямиз, Дастурнинг иккинчи қисмида, ушбу соҳада йиғилиб қолган муаммо ва жумбоқларни ечишнинг қатор йўл ва воситаларини таклиф этади. Дастурда экологик вазиятни ўнглаш учун давлат ҳокимияти барча тармоқлари ва нодавлат ташкилотларнинг ҳар бири ўз кучи билан ҳамда биргаликда амалга ошириши мумкин бўлган ишлар хусусида тавсиялар илгари сурилган, Ўзбекистон ХДП барча тузилмаларининг бу борадаги долзарб вазифалари баён этилган.

— Республика ҳукумати ва давлат идоралари, «Экосан» жамғармаси каби махсус ташкилотлар бу соҳада аниқ ва маълум ишларни амалга ошираётган бўлса, сиёсий партияларнинг бу масала билан шуғулланишларига қандай эҳтиёж бор?

— Узоқ муддат давомида бузиб келинган экологик муҳозанатни ўнглаш осон иш эмас. У жуда катта куч, маблағ ва муддатни талаб қилади. Шунинг билан бир қаторда, Марказий Осиё минтақасидаги экологик фалокат шу ердаги мамлакатлар доирасидан чиққанлиги, халқаро тус олганлиги боис, юртимиздаги бу оғир юкни фақат давлатнинг ўзи кўтаришга қодир эмас. Устига устак, атроф-муҳитни ифлос қилиш, ҳайвонот ва наботот оламига зиён етказишда корхона ва хўжаликлар, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, аҳолининг ҳиссаси катта. Шундан келиб чиқиб, партиямиз экология ва атроф-муҳитни асраш, соғломлаштириш, эъзозлаш умумхалқ аҳамиятига молик масалалар эканлигини таъкидлаб, бу иш билан барча давлат идоралари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, оилалар, ҳар бир фуқаро шуғулланиши керак, деб ҳисоблайди. «Экосан» жамғармасининг бу ишда ҳиссаси катта, аммо етарли эмас. Ушбу муаммо сиёсий партияларга ҳам тўла тааллуқли. Чунки, улар ихтиёрида тегишли таъсир кўрсатиш мурувватлари мавжуд. Масалан, Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисда 50 нафар депутати, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида 2500тадан ортиқ вакиллари борки, экологияга доир қонунларни қабул қилиш ва амалга оширишга улар жиддий улуш қўшишлари мумкин ва амалда қўшмоқдалар ҳам. Бундан ташқари, партиямизнинг мамлакатимиздаги барча шаҳар ва туман ташкилотлари, 15 мингтага яқин корхона, хўжалик ва маҳаллаларда бошланғич бўғинлари мавжуд бўлиб, улар ҳам ўз ҳудудларида муайян экологик тадбирларни ўтказишлари мумкин. Ярим миллиондан зиёд сафдошларимиз фақат ўз оилаларидагина экологик тарғибот ва тарбия билан шуғулланишларининг ўзи ҳам таъсирчан омил эмасми?!

Яқинда партия МК Котибияти Марказий Кенгаш IV пленумининг Ўзбекистон ХДПнинг Экологик дастури ҳақидаги қарорини бажаришни ташкил этиш тўғрисида махсус ҳужжат қабул қилиб, маҳаллий партия ташкилотларига мазкур Дастурни рўёбга чиқариш юзасидан тегишли йўл-йўриқлар берди. Табиийки, бу иш Экологик дастурнинг ХДП аъзолари томонидан ўрганилишидан бошланиши лозим. Зеро, билиб қилинган ишларнинг самарали бўлиши эҳтимоли кўпроқ. Ушбу мақсадда, партия кенгашлари ҳузуридаги сиёсий ва ёшлар клубларининг машғулотларини ўтказиш, суҳбат, мулоқот ва маърузалар каби анъанавий ҳамда ноанъанавий иш шаклларидан фойдаланиш тавсия этилмоқда.

Дастур қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш масаласига келсак, бу партиянинг барча тузилмалари, ҳар бир аъзосининг кундалик ишига айланмоғи лозим. Шу билан бирга, унинг ташкилот ва тарғиботчилари, оммавий ахборот воситалари мамлакат барча фуқароларининг экологик маданиятини оширишга, уларни табиатни муҳофаза қилиш бўйича умумхалқ ҳаракатига қўшилишларига кўмаклашишлари талаб қилинади.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон ХДПнинг Экологик дастурини қабул қилишдан мақсад, шу соҳада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш, бутун халқимизни ушбу ўта муҳим ишга сафарбар этишга ёрдам беришдир.

ХОТИРА – МУҚАДДАС

ЎН ЕТТИ ЎҒЛОНГА ЎН ЕТТИ КАБУТАР

Мамлакатимизнинг жанубий сарҳадлари — Сурхондарёнинг Узун ва Сариосиё туманларида бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар худди кечагидай эсимизда. Ўшанда юртимиз тупроғига ёвуз ниятда қадам қўйган қора кучларга қарши жангларда ўн етти нафар аскар йигитларимиз қаҳрамонларча ҳалок бўлишганди.

Хотира ва Қадрлаш кунида Бахмал туманидаги Абдувоҳид Усанов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги энг хушманзара, боҳаво гўшада ана шу ўн етти қаҳрамон шарафига барпо этилган ёдгорлик мажмуи очилди.

Ёдгорликнинг очилиш маросимида мархум жангчиларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

— Фарзандларимиз Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатдилар, — дейди шаҳид кетган йигитларнинг ота-оналари номидан сўзга чиққан Розия Султонова. — Шундай ўғлонларни вояга етказганлигимиз билан ғурурланамиз.

Шундан сўнг ёдгорлик устига ёпилган алвонранг мато тушириди. Тўпланганлар кўз ўнгида қўкка парвоз қилаётган ўн еттита кабутар намоён бўлди. Улар назаримда табаррук тупроғимизни душмандан ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлган ўн етти нафар навқирон йигитнинг рамзи бўлиб туюлди.

Ёдгорликнинг очилиш маросимида Жиззах вилоят ҳокими Убайдулла Ямонқулов иштирок этди ва ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**

МУАММО, МУЛОҲАЗА

БАҚАТЕРАКНИНГ «УРУҒЧИ» ТУРИ КЕРАКМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хўш бақатеракда ҳақиқатан ҳам аллергия касаллиги қўзғатувчи «микроб»лар борми?

Евгений Ботман, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг ўрмон хўжалиги бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди:

— Дарҳақиқат, халқ тилида «бақатерак», илмий тилда «қоратерак» деб номланувчи бу теракларнинг оналик тури (яъни, уруғчи тупи)да аллергик касалликлар чақирувчи микроблар борлигидан кўз юмолмаймиз. Тадқиқотчи А. Яблоков Италия мирза (пирамидаль) терагини (Оврўпо осокори тур хили) Россиянинг Саратов вилоятидан олиб келиб, Уфа шаҳридан келтирилган қоратеракка чатиштириш йўли орқали яратган бақатерак ўзининг тез ўсувчанлиги, ёғочбоплиги билан ажралиб туради. Қора (бақа) теракнинг бизнинг мамлакатимизда, қолаверса, чет эл селекционерлари томонидан яратилган қатор турлари тез етилувчанлиги, жадал ўсиши ва юқори маҳсулдорлиги билан бошқа турлардан ажралиб туради. Масалан, теракнинг А. Яблоков томонидан яратилган «Русский» деб аталувчи нави Фарғона водийсида (Қўқонда) 10 ёшга етганида ҳар гектардан 490 куб метргача ёғочбоп материаллар олиш имконини берган. Демак, қоратеракнинг барча турларини (унинг уруғчи тупи бундан мустасно!) аҳоли манзилгоҳларида ўстирса бўлади.

Бугун биз сўз юритмоқчи бўлган мавзу фақат бақатеракнинг уруғчи тип (нав)ларигагина тегишли бўлиб, унинг фойдасидан кўра зарари кўплиги ҳақидадир.

Аҳолининг турли эътирозларига сабаб бўлаётган бақатеракнинг уруғчи тупидан ажралиб чиқаётган пухпўпанаклар чиндан ҳам одамларда поллиноз касаллигини келтириб чиқариши мумкинлиги тиббиётда аллақачон ўз далилини топган.

Поллиноз нима? У қандай асоратларни келтириб чиқаради ва бошқа қандай касалликларни юзага келтиради?

Мунис Мухсинов, Тошкент шаҳар Аллергик маркази бўлим бошлиғи, олий тоифали шифокор:

— Поллиноз (ўсимлик гулларининг чангларидан) келиб чиқувчи касаллик бўлиб, айниқса, баҳор фаслининг апрель-май ойларида бу касалликка чалинадиганлар сони кескин ортади. Поллиноз касаллигининг хуружидан чўчиган жабрдийдалар баҳорни ҳадиксираб қарши олишади. Чунки, шаҳардаги бақатеракларнинг шаҳар ташқарисида ўсаётганларига нисбатан фаоллиги юқори бўлиб, ундан ажралиб чиқадиган чангсимон заррачалар соғлом кишиларда ҳам бурун қичиши, кўз ёшланиши, томоқ қирилиши каби ҳолатларни кўзғатади. Мутахассис сифатида шуни айтишим мумкинки, бақатерак нафақат аллергия касаллигига учраган беморлар, балки катта ёшдаги соғлом кишилар, ҳатто болалар учун ҳам хавфли. Теракдан ажралаётган бу зарралар ўткир тери касалликларини ҳам келтириб чиқаради. Масалан, юз, бўйин, қўлларда қизариш, бадан аъзоларида шишлар пайдо қилиши кузатилади. Кўп ҳолларда инсон соғлиги учун хавфли — экзема касаллиги ҳам юзага келиши мумкин.

Бу чангсимон заррачалар инсоннинг кўриш қобилиятига, айниқса, кўз гавҳарига ҳам таъсир қилади. Ҳеч кимга сир эмас, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда экологиянинг кескин ўзгариши бундай касалликларнинг кўпайишига маълум маънода замин яратаётган бўлса ажабмас... Биз илгари бақатеракларнинг бу хил салбий таъсирларини унчалик сезмасдик. Чунки, улар тегишли ташкилотлар томонидан вақти-вақти билан бутоқ қилиниб, ортиқча шох-шаббалари кесилиб туриларди. Эндиликда бу иш сусайгандек, назаримда. Ҳозир ким билан суҳбатлашманг, бақатеракдан ажралаётган заррачалар таъсиридан нолийди. **Болалар боғчаларида, мактабларда, маҳаллаларда, аҳоли истиқомат қиладиган кўп қаватли уйлар атрофларида, чойхона-ю ошхоналар ёнларида, ҳатто касалхоналар ичида ҳам бақатеракларнинг уруғчи туплари кўплаб учрайди. Биз бу борада мутасадди ташкилотларга бир қанча тавсиялар бергамиз. Уларни кесиб, ўрнига мевали ва бошқа манзарали дарахтлар ўтқазишни кўп бор айтганмиз. Лекин фойдаси бўлмаяпти. Агар бизга қўйиб беришса, бақатеракнинг уруғчи тупларини (қайтараман, фақат уруғчи тупларини!) тезроқ кесиб ташлашни тавсия қилган бўлардик.**

Узоққа борманг, фарзандларимиз ўқийдиган мактаблар, тарбияланаётган боғчалар ёнида ўнлаб бақатеракларнинг атрофга ўз «гул»ларини тарқатаётганлигининг шоҳидимиз. Бу ҳолатларни пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур, Акмал Икромов, Ҳамза, Миробод, Юнусобод, Мирзо Улуғбек туманларида кўплаб учратамиз. Айниқса, Чилонзор туманини ва Юнусобод туманидаги айрим мавзеларни «бақатераклар макони» дейиш мумкин.

Поллиноз, бронхит, бронхиал астма, аллергик ринит (бурун яллиғланиши) сингари (инсон ҳаёти учун хавфли!) касалликларни қўзғатувчи бақатеракдан ажралиб чиқаётган чангсимон заррачалардан хасталик орттирган беморлар билан суҳбатлашиш учун шаҳар Аллергик марказида бўлдик.

Зулфия Билолова, даволанувчи:

— 1980 йилдан буён апрель-май ойларида, айни бақатеракнинг гуллаш даврида ўзимни қўярга жой тополмайман. Ўзим ҳам шифокорман. Чилонзор туманининг Фарҳод бозори атрофидаги кўп қаватли уйларнинг бирида истиқомат қиламан. Бақатерак айни «гуллаган» пайтида йўлакларни худди қор босгандек бўлиб кетади. Кўз ёшланади, бурундан аччиқ суюқлик оқа бошлайди, томоқ тиқилиб, биров бўғаётгандек туюлади. Тўхтовсиз аксириш, қусиш ҳоллари такрорланади. Аллергик ринит ташҳиси билан даволанаяпман...

Юнусободлик Васила Миралиева «бақатерак» деб эшитиши билан фиғони фалакка чиқди. Нафас йўлларининг яллиғланишидан азият чеккан бу муштипар туманнинг 18-мавзесида жойлашган 499-сонли болалар боғчаси ҳовлисида бақатеракнинг гуллаб ётганлигини айтиб зорланди ва аҳоли истиқомат қилаётган жойларда теракнинг бу хилини тезроқ кесиб ташлаш керакилигини сўради.

Ким билан суҳбатда бўлмайлик, теракнинг бу турини кесиб, унинг ўрнига мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазиш зарурлиги ҳақида таклифлар айтишди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТАҲРИРИЯТДАН: Наздимизда, бақатерак мавзуси ҳам ажабтовур муаммога ўхшайди. Мутахассислар фикрини эшитдингиз, шифокорлар ташҳиси билан танишдингиз, беморлар дардига қулоқ тутдингиз. Энди биз бу масалада Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳарлар ҳамда туманлардаги ободонлаштириш ва қўкламзорлаштириш бошқармалари, қолаверса, табиатни муҳофаза этиш идоралари мутасаддиларининг ҳам мулоҳазаларини билишни истардик. Терак, шубҳасиз фойдали дарахт, лекин унинг бақатерак деб аталган ва инсон саломатлигига зарарли бўлган уруғчи турини аҳоли зич яшайдиган жойларда сақлаш, ўстириш, экиш керакми?

Бизнингча, бу масала хусусида жиддийроқ ўйлаб кўриш лозимга ўхшайди.

ХДП ХАБАРИ

ФАОЛЛИК ПАРТИЯ МАВҚЕИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов туман кенгашининг VI пленуми бўлиб ўтди. Унда туман партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Олий Мажлис саккизинчи сессиясидаги маърузаси, Ўзбекистон ХДП Марказий ва Тошкент шаҳар кенгашларининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Улар юзасидан туман партия кенгаши биринчи котиби А. Саидов маъруза қилди.

Маърузада ХДП туман кенгаши ижроия бюросининг иши таҳлил қилинди. Ўтган йил мобайнида бошланғич партия ташкилотлари томонидан ҳар хил оммавий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилганлиги, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга эътибор қаратилганлиги айтиб ўтилди. Пленум иштирокчилари туман партия ташкилотларининг ХДП дастурий ғояларига тўла мос келадиган амалий ишларини қўллаб-қувватлаб, асосий эътиборни иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, жамиятда демократик тамойиллар қарор топишида партия аъзолари фаоллигини янада ошириш зарурлигига қаратдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Латиф Ғуломов қатнашди ва сўзга чиқди.

■ **Н. АГАФОНОВА, ЎзХДП Тошкент шаҳар партия кенгаши маслаҳатчиси**

БУНИ ҚАНДАЙ БАҲОНА ЁКИ САБАБ БИЛАН ОҚЛАБ БЎЛАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аввало шуни айтиш керакки, омборларнинг яхши жиҳозланмаганлиги, минерал ўғитлар сақлаш тартибига риоя этилмаганлиги, қўриқлаш хизматининг қониқарсизлиги, ҳисоб-китоб ишларининг яхши олиб борилмаслиги ва ниҳоят раҳбар кадрларнинг масъулиятсизлиги туфайли соҳада кўплаб ўғирлик, талон-торож ҳоллари содир бўлмоқда. Биргина шу йилнинг 1 мартидан 15 мартигача бўлган даврда компаниянинг жойлардаги омборларида 82 ҳолатда талон-торожлик фактлари аниқланди. Камомадга йўл қўйилганлиги оқибатида давлатга 3469,4 тонналик, умумий қиймати 128,1 миллион сўмлик зарар етказилди. Масалан, Сурхондарё «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятининг Шеробод филиали таъминотчиси И.Исломов 631 тонна камомадга йўл қўйди. «Айритом» темирйўл станциясининг Чироқчи филиали омбор мудири Х.Тожиев эса 545 тонна минерал ўғитни талон-торож қилди. Самарқанд «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ Булунғур филиали омбор мудири З.Дувланов ҳамкасбларини ортда қолдириб, «рекорд» қўйди: у 1100 тонна аммиак селитрасини ўзлаштириб юборди.



Шу ўринда яна бир муҳим масала: ўғит ишлаб чиқариш корхоналарида баъзан ишбилармонлар доирасига белгиланганидан кўпроқ маҳсулот бериб юбориш ҳоллари юз бераётир. «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасидан 30 минг тонна аммиакли селитра, «Фарғонаазот»дан 10,8 минг тонна карбамид, Чирчиқ «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасидан 3 минг тонна ўғит ортиқча тарқатиб юборилди. Ана шундай ҳолатлар касрига 2001 йил Хоразм вилоятига белгиланган фосфорнинг қарийб ярми етиб бормади. Деҳқон ва фермер хўжаликларининг эҳтиёжи эса ўн фоиз қондирилди, холос.

Қолаверса, минерал ўғитларни қонунга хилоф равишда қўшни давлатларга ўтказиш ҳолатлари ҳам кузатиляпти. Чунончи, ўтган йил 457 ҳолатда минерал ўғит ва кимёвий ҳимоялаш воситаларини четга ноқонуний олиб ўтишга уриниш бўлди. Бундай нохуш ҳолат кўпроқ Фарғона водийсида кузатилди. Бойлик кетидан қувган «чаққонлар»нинг 17 нафари жавобгарликка тортилди. Шу йилнинг январь-февраль ойларида ҳам 77 марта кимёвий моддаларни мамлакатимиздан ташқарига олиб кетиш ҳоллари юз берди.

Ачинарли жойи шундаки, ўғирлик ва талон-торожликнинг асосий «манбаи» саноат корхоналари, ўғит сақланадиган ва тарқатиладиган ташкилотлар бўлиб чиқаяпти. Биргина мисол: «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг масъул ходимлари фермер хўжаликларига белгиланганидан 25,6 минг тонна аммиакли селитрани ортиқча бериб юборишди. Ушбу ҳолат бўйича ҳозир корхонанинг собиқ тижорат директори Т.Абдуллаев, моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи М.Хаимов ва бошқа раҳбарларга нисбатан жиноий иш очилди.

Соҳадаги яна бир оғриқ нуқта — маҳсулотлар темирйўл вагонларига юкланаётган ва тегишли манзилларга жўнатиладиган жойларда содир этилаётганидир. Юк жўнатувчи ва қабул қилувчилар томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКга кейинги ойларда олти марта эътироз билдирилди. Уларни ўрганиш жараёнида тўртта жиноий иш қўзғатилди. Қолаверса, шу йилнинг ўзида вагон цистерналарда 82,1 тонна минерал ўғитнинг кам чиқанлиги ҳам яна 7 та жиноий ишнинг очилишига сабаб бўлди.

«Ўзкимёсаноат» ва «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияларига қарашли корхона ва ташкилотларда шериклар билан ҳисоб-китобнинг яхши йўлга қўйилганлиги туфайли дебитор ва кредитор қарзлар кўпаймоқда. Бу эса сўзсиз мазкур жамоаларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир этаяпти. Чунончи, Чирчиқ «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасидагилар 2001 йилда олдиндан тўлови бўлмай туриб 65,1 минг тонна, қиймати 3 миллиард 400 миллион сўмлик минерал ўғитга «сахий»лик қилишган. Бу — корхона ишлаб чиқариш ҳажмининг қарийб 95 фоизини ташкил қилади.

Самарқанд кимё заводидагилар ҳам чирчиқликлардан «ўрнак» олиб, 312 миллион сўмлик минерал ўғит пулини олмасдан жўнатиб юборишган. Ваҳоланки, корхонанинг муддати ўтиб кетган дебитор қарзлари 692,8 миллион сўмни ташкил этади. Бугунги кунда корхона раҳбарларидан бири А.Гасанов қамоққа олинди. «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳам дебитор қарзи 5,3 миллиард сўмга етди. Ҳисоб-китобни тўғри олиб бормаган мазкур корхона мутасаддиларига нисбатан 11 та жиноий иш очилди. Умуман олганда, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг 2002 йил 1 январь ҳолати бўйича дебиторлик қарзи 48,7 миллиард, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАКда эса қарийб 40 миллиард сўмга етди.

Бу рақамлар бугунги кунда тизимда жиддий хулосалар чиқаришга етарли асос эмасми? Ёки ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндашган ва талон-торож ҳолларига йўл қўйган шахслар устидан қўзғатилган 292 та жиноий иш (зарар миқдори 368,6 миллион сўмлик) таассуфли ҳол эмасми? Савол кетидан савол туғилади: тармоқларда қинғирликларнинг бу қадар авж олишига сабаб нима? Ўғитфурушлар «бизнеси» қачонгача давом этади?

Шу ўринда «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси раҳбари Ўрин Ҳасанов ва «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАК раиси Фозил Юсупов ўзлари бош бўлган соҳаларнинг корхона ва ташкилотлардаги бундай ғайриқонуний ишларга қарши кескин чоралар кўришмаётганликларини қандай тушунмоқ лозим?!

Мамлакатимиз Президенти Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида минерал ўғитларни сақлаш ва фойдаланишдаги нуқсонлар туфайли уларнинг аксарият қисми беҳуда исроф қилинаётганлигини ташвиш билан гапирди. Ўғитларнинг очиқ ҳавода қолиб, ёғин-сочинда яроқсиз ҳолга келаётгани каби ҳоллар айнан шу икки мутасадди ташкилотга тегишли эмасми? Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Буни қандай баҳона ёки сабаб билан оқлаб бўлади?»

■ **Бахтиёр ШОМИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи, Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

УНУТМАНГ: ПУЛ — ҚЎЛНИНГ КИРИ

Сил, зотилжам, менингит ва бошқа шунга ўхшаш инфекция касалликлари қўзғатувчилари қоғоз пулларда кўп учраётганлиги Ҳиндистон тадқиқотчи-тиббиётчилари томонидан бир неча марта қайд этилди.

Шилонг университети доктори Судип Дейнинг таъкидлашича, бактериялар эски банкнотларни «хуш кўраркан», яъни ўша банкнотларда кўплаб учрамоқда. Шунинг учун ҳам пул орқали заҳарланиш даражаси юқоридир. Пул — яширин, лекин «фаолияти» юзага чиқиши аниқ бўлган қотил ҳисобланади.

— Ҳиндистоннинг кўпгина фуқароларида пулдаги инфекцияларга қарши иммун тизими шаклланган, — дейди Судип Дей. — Аммо хориждан келган сайёҳлар бундан кўпроқ жабр кўришмоқда.

Энг кўп инфекция «юққан» пуллар Ҳиндистоннинг гўшт ва балиқ маҳсулотлари сотиладиган кўчаларида қайд этилган. Мана сайёҳлик мавсуми ҳам бошланмоқда. Мамлакат ҳукумати хориждан келаётган сайёҳларни тозалик гигиенасига қаттиқ риоя этишга чақирмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, шимолий ўлкаларда яшаган одамларда иссиқ об-ҳавода иммун тизими кучсизланиб қолади, натижада, инфекция юқишига шароит вужудга келади. Демак, якуний хулоса шундай: пул ҳисоб-китобни ёқтиради, қўл эса тозаликни.

КИМ ЧЕКСА ҚАМОҚ ҚУТАДИ

Эстонияда қаттиққўллик билан чиқарилган қонун яқиндан бошлаб кучга кирди. Энди ушбу қонунга кўра, кимки чекиб, келажак авлод соғлиғига билиб-билмай таъсир кўрсатса, «жиноят»и қандай малакаланишига қараб ўша қашандани қамоқ жазоси ёки катта миқдордаги жарима кутади. Бу борада ҳатто ҳомиладор аёлларга ҳам шафқат қилинмайди. Яъни, «туғилажак авлодга онгли равишда зарар етказгани учун» ё 5 йилгача қамоқда ўтириб чиқади ёки катта миқдорда жарима тўлайди.

Тарту университетининг ҳуқуқ илми бўйича профессори Яан Соотакнинг таъкидлашича, соғлом миллатнинг келажаги учун бундай қонун бугунги кунда керак.

— Қонундан кўзланган мақсад шуки, она қорнидаги ҳомилани ташқи зарарлардан муҳофазалаш ва бола олдида она жавобгарлигини ошириш биринчи галдаги вазифадир, — дейди профессор.

Мазкур қонун ҳатто чекувчи эркакларга ҳам қўлланиши мумкин, қачонки у ҳомиладор аёл олдида ёки болалар бор хонада бурқситиб чекса.

Шу нарса ажабланарлики, ҳомиладор аёлларнинг сигарет чеккани учун қамалганига ҳали тарих гувоҳ бўлмаган.

КОМИССИЯ РАИСИ 6 ОЙГА ҚАМАЛДИ

Эрон суди миллий хавфсизлик ва ташқи сиёсат масалалари бўйича комиссия раиси Мохсен Мирдамадини 6 ойга қамоқ жазосига маҳкум этди. Бундан ташқари, Мирдамадининг бевосита сиртқи раҳбарлиги остида чиқадиган газета ҳам суд ҳукми билан ёпилди. Эрон парламентидаги энг фаол ислоҳотчилик тарафдорларидан бири бўлмиш Мирдамадининг эндиликда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиши тақиқланди. Бу тақиқ 4 йил муддатга белгиланди. У давлатга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини юргизганликда ва уйдирма ахборотлар тарқатганликда айбланган.

253 КИШИЛИК ВИЗИТ

Жанубий Кореяда яшовчи 253 киши жума куни Шимолий Кореяга — Пхеньян раҳбарияти таклифига кўра учиб кетди. Жанубий Кореянинг Шимолий Кореяга берган инсонпарварлик ёрдамига миннатдорчилик сифатида улар таклиф этилди. Улар визити 6 кун давом этади.

Бу визит кутилмаганда амалга оширилди, негаки, ўтган ҳафта ҳукуматлар доирасида ўтказилиши кўзда тутилган музокаралар Шимолий Корея томонидан бартараф этилган эди.

Ўзаро алоқалар бундан кейин янада юришиб кетса ажаб эмас.

ВАТАНДОШЛАРИНИ СОТГАНИ УЧУН

АҚШнинг Вашингтон штати суди 31 ёшли Хитой фуқароси Чао Канг Линни 9 йилга озодликдан маҳрум этди. У 1999 йил декабрда ўз ватандошларидан 18 кишини юк контейнерига яширинча юклаб Сиэтлга жўнатган. Йўлда 3 киши вафот этган, тўртинчиси эса кейинчалик, манзилга етиб боргач шифохонада оламдан кўз юмган.

Лин Нью-Йоркдаги ўз уйида қўлга олинган, у судда ўзининг жиноятларини бўйнига олган.

СПОРТ

«ЗАРАФШОН» — «ПАХТАКОР» ЎЙИНИ КЕЧИКТИРИЛДИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари тўққизинчи тур учрашувларини ўтказишди.

Чемпионат совриндорлигига даъвогарлардан бири саналаётган «Насаф» жамоаси бу сафар ўз майдонида «Бухоро» футболчиларига қарши тўп сурди. Учрашувнинг 87-дақиқасигача 2:1 ҳисобида олдинда бораётган мезбонлар ҳал қилувчи паллада ўз дарвозаларидан иккинчи тўпни ўтказиб юбориб, нақд ғалабани қўлдан чиқардилар — 2:2.

Чемпионат пешқадамларидан бири «Самарқанд-Д» футболчилари ҳам сафарда «Дўстлик»ка йирик (1:4) ҳисобда имкониятни бой бериб қўйишди.

Энг қизиқарли учрашув Навоийда «Зарафшон» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида кечиши кутилганди. Бироқ Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўртоқлик учрашуви ўтказиш учун Словакияга жўнаб кетаётганлиги муносабати билан бу ўйин бошқа кунга кўчирилди. Маълумки, мамлакат терма жамоасининг асосий таркиби пахтакорчилардан ташкил топган.

Турнинг қолган баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қўқон-1912» — «Сўғдиёна» — 1:1, «Сурхон» — «Трактор» — 1:0, «Нефтчи» — «Машъал» — 4:0, «Қизилқум» — «Навбаҳор» — 1:1, «Металлург» — «Андижон» — 3:0. Навбатдаги учрашувлар 18-19 май кунлари ўтказилади.

ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

«Жар» спорт мажмуида футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш учрашувлари ниҳоясига етди. Мамлакатимиз ўсмирлари аввалига Шри-Ланка футболчиларини (4:0), сўнгра қирғизистонлик тенгдошларини 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, БААда ўтадиган Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Ёшлар терма жамоамиз гуруҳ мусобақаларида Туркманистон вакилларини 7:0 ҳисобида енгган эди. Ҳал қилувчи учрашувда ҳамюртларимиз Непал футболчилари устидан янада йирик ҳисобда (12:0) зафар қучдилар. Энди улар октябрь ойида Қатарда бўладиган қитъа чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

■ Эркин ХОЛБОБО

МЕҲМОНЛАР КУЧЛИ

Намангандаги «Дўстлик» теннис мажмуида ITF таснифига кирувчи «Фьючерс» халқаро турнири якунланди. Мусобақада йигирма бир давлат теннисчилари 15 минг АҚШ доллари миқдоридаги соврин учун ўзаро куч синашдилар.

Жуфтлик ўйинлари анча муросасиз кечди. Кетола (Финляндия), Қурайши (Покистон) жуфтлиги финалгача муваффақиятли ўйин кўрсатди. Бироқ финалда Де Вист, Стегман (Жанубий Африка Республикаси) жуфтлигига 5:7, 4:6 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Шахсий биринчилик мусобақалари ҳам совринга яраша бўлди. Финляндиялик Томас Кетола бу ўйинларда ҳам яхши натижаларга эришди. У чорак финалда россиялик Сетакни, ярим финалда эса француз Кадартни йирик ҳисобда мағлуб этди. Финалда эса россиялик Игор Куницинга ютқазиб қўйди — 3:6, 3:6.

Турнирда мамлакатимиздан 9 нафар ракеткачи қатнашди. Аммо Томашевич, Мазур, Иноятов каби тажрибали теннисчилар дастлабки учрашувлардаёқ имкониятни бой беришди.

■ Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



«ҲАВАС — 2002» ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Тошкент Теннис маркази кортларида республика раҳбар ходимлари ўртасида теннис бўйича анъанавий «Ҳавас» турнири якунланди. Еттинчи маротаба ташкил этилган ушбу мусобақада вазирликлар, ҳокимликлар, ташкилот ва компаниялар раҳбарлари ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари яккалик ва жуфтлик баҳсларида куч синашди.

Мусобақанинг яккалик баҳсларида Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Эркин Жумабоев биринчи ўринни қўлга киритди.

— Теннис билан тўрт йилдан буён шуғулланаман, — деди Э.Жумабоев. — «Ҳавас»дек нуфузли мусобақада илк бор қатнашганимга қарамай, биринчи ўринни олганимдан жуда хурсандман.

Жуфтлик баҳсларида Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов ва Намангандаги «Телеком-тек» акционерлик жамияти раиси ўринбосари Омон Носиров жуфтлиги ғалаба қозонди.

■ Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

✧✧✧

Суратларда: турниردан лавҳалар.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар



ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

БАЛАНД ТАЛАНТЛИ, ЗИЙРАК ОЛИМ ЭДИ



Академик Воҳид Абдуллаев деганда, тасаввуримизда адабиётимизнинг катта бўшлиқларини ўз илмий асарлари билан тўлдирган, кўплаб салмоқдор ва қимматли тадқиқотлар яратган ва шогирдлар етиштирган забардаст олим, меҳрибон устоз, заҳматкаш инсон гавдаланади.

Ёшлик йилларидаёқ адабиётга, бадиий ижодга нисбатан ўйғонган меҳр Воҳид Абдуллаевни санъатнинг бу сирли ва жозибали оламига олиб кирди, қайноқ қалб билан яшамоққа ундади. У ўтган асрнинг 30-йилларидан то умрининг охиригача ўзи меҳр қўйган соҳани, касбни севиб, ардоқлади. Бор лаёқати ва қобилиятини адабиёт ва у ҳақдаги илм сирларини кашф этишга, бойитишга сарф этди.

Устоз 1948 йилдан то умрининг охиригача Самарқанд давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири бўлиб ишлади. 1963-1970 йилларда шу университет ректори лавозимида хизмат қилди. 1966 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвонига сазовор бўлди.

У 1941 йилда Ўзбекистонда биринчи бўлиб Алишер Навоийнинг ҳаёти ва Самарқанддаги адабий фаолиятига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Воҳид Абдуллаев олиб борган тадқиқот замонавий навоийшунослик сари қўйилган дастлабки қадамлардан бўлганлиги билан аҳралиб туради. Бу ҳақда машҳур ёзувчи Садриддин Айний «Ўртоқ Абдуллаев баланд талантли, зийрак, меҳнатдўст, бошлаган иши устида зерикмай, вақтини қизғанмай ишлайдиган илмий ишчи. Унинг бу сифатларини салмоқдор қилган нарса олимнинг форсча-тожикча ва эски ўзбекча манбаларни тушуниб ўқиб, улардан етарли даражада фойдалана олишидадир», деб ғоят ўринли баҳо берган эди.

Олимнинг бу изланишлари 1948, 1968 ва 1982-йилларда «Навоий Самарқандда» номи билан қайта-қайта нашр этилди. Уларнинг бири иккинчи нашридан янги далил ва илмий фикрлар билан тўлдирилганлиги, бойитилганлиги билан аҳралиб туради.

Қайд қилиш лозимки, Воҳид Абдуллаев ўзбек диёри заминида Навоий даҳосини, ўлмас асарларини, унинг сиру асрорларини, таъсир доирасини муттасил юксак илҳом ва билимдонлик билан ташвиқ этади. Навоий ижодининг XV-XIX асрлар ўзбек, озарбайжон, туркман, форс-тожик, қорақалпоқ адабиётларига кўрсатган ҳаётбахш таъсирини устоз тадқиқотларисиз тасаввур этиш қийин. Олим ҳамиша адабиётимизнинг катта, долзарб масалаларини ёритиш билан машғул бўлди. Мавлоно Вафо-Вафоий, Муҳаммади Хоксор, Пахлавонқули Равнақ, Роқим, Нишотий, Умар Боқий, Толиб Толибий, Жоний, Андалиб каби шоирларни кашф этди. Унинг «XVII-XVIII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти» мавзуидаги докторлик диссертацияси ўзбек адабиёти тарихининг қўлами ва илмий-эстетик аҳамияти ҳақидаги тасаввурлар уфқини бойитди, кенгайтирди. Олим қўлёзма манбалар, бой адабий материаллар заминида «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслик китобини яратиб, талабалар ва адабиёт муаллимларининг бу соҳадаги ташналигини қондирди.

Олимнинг докторлик диссертацияси ва дарслик китоби майдонга келгунга қадар, хусусан, XVII-XVIII асрлар ўзбек адабиёти анча камбағал ҳолда намоён бўларди, бу асрлардаги ўзбек адабиёти ҳақида сўз борганда Турди Фароғий, Машраб, Хувайдо каби шоирларгина назарда тутиларди. Айрим шарқшунос, адабиётшуносларнинг ишларида эса «XVII-XVIII асрлар ўзбек адабиёти тарихида жимжитлик даври» деган асоссиз даъволар ҳам ҳукм сурарди. Синчков олим юқорида зикр этилган асарлари билан, биринчидан, ўзбек адабиётининг кам ўрганилган ўша даврини янги қўлёзма манбалар, далиллар асосида чуқур ёритиб, бу даврда ҳам ўзбек халқи ва унинг илғор фарзандлари ажойиб санъат намуналарини, нафис ва гўзал бадиий асарлар яратганини исбот этиб берган бўлса, иккинчидан, худди шу далилларга асосланиб, адабиётимизнинг XVII-XVIII асрлар тарихига нисбатан бўлган бир ёқлама қарашларнинг асоссиз эканлигини кўрсатиб берди.

Самарқандда, Бухорода турли асрларда яшаб ижод этган бир неча шоир, адиб, олимларни аниқлаш ва уларни илмий-адабий жамоатчиликка таништириш, илмий муомалага киритиш ҳам В.Абдуллаев меҳнатлари самараси бўлди. У ўндан зиёд монография ва рисолалар, 500 га яқин долзарб мавзулардаги илмий мақолалар эълон қилди. Шоир, ижодкор сифатида қатор достонлар, ҳужжатли қиссалар, шеърий тўпламлар яратди.

Устознинг доно ўгитлари доимо қалбимизда, ўлмас хотираси юрагимизда абадий қолади.

■ Раҳмонқул ОРЗИБЕКОВ, филология фанлари доктори

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 72-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан бирортасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
85
4
26
5
83
11
54
60
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
30065851.2

2 ТУР
13
29
64
50
28
35
70
57
42
38
18
6
30
86
49
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
30077239.3
40068371.2

3 ТУР
14
22
53
24
66
61
40
55
27
81
36
69
20
16
78
Сони: 3
Сумма: 3666666
Чипталар рақами
30316308.2
70032676.1
90061824.3

4 ТУР
17
88
33
76
51
44
71
1
8
79
59
12
37
56
48
84
90
2
63
68
25
72
43
21
19
Сони: 3
Сумма: 3666666
Чипталар рақами
40168571.1
90060733.3
90257512.3

5 ТУР
47
80
62
52
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
50076564.2

6 ТУР
45
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
10100761.1
20053257.3

7 ТУР
74
Сони: 2
Сумма: 3000

8 ТУР
31
Сони: 6
Сумма: 2500

9 ТУР
58
Сони: 12
Сумма: 2000

10 ТУР
73
Сони: 12
Сумма: 1700

11 ТУР
41
Сони: 30
Сумма: 1500

12 ТУР
75
Сони: 46
Сумма: 1400

13 ТУР
46
Сони: 60
Сумма: 1300

14 ТУР
7
Сони: 138
Сумма: 1200

15 ТУР
65
Сони: 168
Сумма: 1100

16 ТУР
87
Сони: 289
Сумма: 1000

17 ТУР
39
Сони: 521
Сумма: 900

18 ТУР
23
Сони: 695
Сумма: 800

19 ТУР
9
Сони: 1152
Сумма: 700

20 ТУР
15
Сони: 1773
Сумма: 600

21 ТУР
3
Сони: 2594
Сумма: 500

22 ТУР
32
Сони: 4249
Сумма: 400

Қўшимча тур
Сони: 165
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
10, 34, 67, 77, 82, 89

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 23 майдаги 74-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
2 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
3 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
4 ТУР – «Нексия» автомобили,
5-10 ТУРЛАР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
11-12 ТУРЛАР – ҳар бир ютуқ соҳибига видеомагнитофон.
Қолган турларда пул ютуқлари.

Чипта баҳоси – 300 сўм

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан сотиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

Пул ютуқлари «Ўзуйжойжамғармабанк» филиалларида, Миробод тумани Халқ банки бўлими омонат кассалари ва «Лаура» ХФ ҳамда чипта тарқатувчилар томонидан ҳар куни якшанбадан ташқари тираж ўйналгандан кейин 10 кундан сўнг берилади.

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ СОБЫТИИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОАО «КОМСАР» ЗА 2001 Г., ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР 09.

Решение годового общего собрания акционеров ОАО «Комсар»:

1. Вид общего собрания — годовое.
2. Форма проведения общего собрания — очное.
3. Дата проведения — 9 мая 2002 г.
4. Место проведения — Ташкентская область, Чиназский р-н, п. Пахта.
5. Кворум общего собрания — 100 %.
6. Вопросы, поставленные на голосовании и итоги голосования по ним.

6.1. Доклад Председателя Правления ОАО «Комсар» о результатах финансово-хозяйственной деятельности предприятия по итогам 2001 г.

Решение — Признать работу Правления в 2001 г. удовлетворительной. «За» — единогласно.

6.2. Утверждение годового отчета и бухгалтерского баланса.

Решение — Утвердить годовой отчет и бухгалтерский баланс за 2001 г.

«За» — единогласно.

6.3. Утверждение заключения аудиторской проверки. Утверждение аудитора на 2002 г.

Решение — Утвердить заключение аудиторской проверки за 2001 г.

Утвердить аудиторскую фирму «Аудит» для заключения договора на 2002 г. и отчет Ревизионной комиссии.

«За» — единогласно.

6.4. Утверждение статей распределения прибыли и размера годовых дивидентов.

Решение — Утвердить статьи распределении прибыли за 2001 г.

«За» — единогласно.

6.5. Выборы в новый состав Наблюдательного совета.

Решение — Утвердить предложенные кандидатуры в новый состав Наблюдательного совета.

«За» — единогласно.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla QRIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 22.20
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA